

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВА ЗУЛФИЯХОН АЗИЗОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ЁҒЛИ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ,  
НАМЛАНТИРУВЧИ КРЕМНИНГ РЕЦЕПТУРАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси****Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Contens of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)****Хакимова Зулфияхон Азизовна**

Маҳаллий ёғли хом ашёлардан фойдаланиб

намлантирувчи кремнинг рецептурасини такомиллаштириш ..... 3

**Хакимова Зулфияхон Азизовна**

Совершенствование рецептуры увлажняющего

крема с использованием местного жирового сырья ..... 21

**Khakimova Zulfiyakhon Azizovna**

Improving the recipe of moisturizing

cream using local fatty raw materials..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВА ЗУЛФИЯХОН АЗИЗОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ЁҒЛИ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ,  
НАМЛАНТИРУВЧИ КРЕМНИНГ РЕЦЕПТУРАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияда В2022.1.PhD/T2622 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (ik-kitmuo.npi.uz) ва «Зиенет» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Рузibaев Акбарали Турсунбаевич техника фаълари номзоди, профессор
Расмий оponentлар:	Серкаев Қамар Нардиевич техника фаълари доктори, доцент Тиллаева Гулнара Урнибаевна техника фаълари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Илом Каримов номли Тошкент Давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил «14» 02 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 677 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2024 йил «2» 02 куни тарқатилди.  
(2024 йил «2» 02 даги №265 рақамли реестр баённомаси).



  
С.М. Туробжонов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий Кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

  
Х.Н. Кадиров  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
Кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

  
К.П. Серкаев  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
Кенгаш кенгаши илмий семинар  
раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда парфюмерия - косметика маҳсулотларининг рецептини табиий хом ашёлар билан бойитиш ва уларнинг фармакологик хусусиятларини ошириш мақсадида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Косметика маҳсулотлари пардоз учун хизмат қилмасдан, даволаш функцияларини ҳам бажариши лозим. Бугунги кунда табиий хом ашёларнинг етишмаслиги сабабли косметика маҳсулотларида фармакологик ва профилактик хусусиятлар камайиб, арзон табиий хом ашёлар асосида шифобахш хусусиятларга эга парфюмерия - косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда табиий ва сунъий қўшимчалардан сифатли, таъсирчан, шифобахш парфюмерия-косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада камёб табиий компонентлардан тайёрланган парфюмерия-косметика маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, жумладан, шифобахш, табиий биологик фаол моддаларга бой рецептларни яратиш, турли мева мойлари ва эмульсиялари қўшиб намлатиш хусусиятлари оширилган кремлар олиш технологияларини жадаллаштириш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ноанъанавий хом ашёлар асосида косметик кремларнинг янги рецептларини ишлаб чиқиш, сақлаш муддатлари узайтирилган барқарор ва турғун эмульсия олиш, шифобахш парфюмер - косметик маҳсулотларнинг сифати, рақобатбардошлиги ва харидоргирлигини ошириш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш салоҳиятини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза, сифат кўрсаткичи юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, функционал қўшимчалар билан бойитилган намлантирувчи косметик крем рецептларини яратиш, уларнинг турларини кенгайтириш ва сифатини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалик, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Косметик крем маҳсулотларининг хомашё манбаларини кенгайтириш, шифобахш рецептураларини яратиш, турларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик тизимларини такомиллаштириш бўйича R.P. Patel, G. Vielhaber, M. Herrmann, Jing Lyu, W. Rahse, M.B. Бондакова, С.Н. Бутова, А.Ю. Кривова, Ю.А. Тирсин, О.С. Восканян, Ю.К. Кадиров, С.А. Абдурахимов, И.Б. Исабаев, А.Т. Рўзибоев А.Т. Илясов, А.К. Таджиев, Қ.П. Серкаев, К.С.Содиков, Э.А.Арипов, Р. Нормухаматов, С.Н.Аминов, У.К.Ахмедов, Т.М.Махмудов, К.Ҳ.Ғофуров, Х.Ф. Жураев ва бошқалар илмий-амалий фаолиятлар олиб боришган.

Улар томонидан мева мағизларидан мой ва эмульсиялар олинган, маҳсулотларнинг коллоид-кимёвий хоссалари аниқланган, амигдалин сақловчи намлантирувчи крем рецептлари яратилган, эссенциал ёғ кислоталар улуши оширилиб, органолептик кўрсаткичларини яхшиланган, турғунлиги узайтирилган ва самарали сақлаш усуллари асосланган.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш тизимида йўқотишларни камайтириш орқали кремлар тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш, косметик крем маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш, профилактик хусусиятлари яхшиланган рецептларни шакллантиришда ноанъанавий хомашёлардан фойдаланиш ва маҳсулот ассортиментларини кенгайтириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ АМ-ФЗ-201908159 «Маҳаллий хомашёлар асосида функционал кўшимчалар билан бойитилган парҳезли маргарин олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мева данаклари мойлари ҳамда ундирилган буғдой экстракти билан бойитилган намлантирувчи крем рецептларини яратиш ва ишлаб чиқиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мева данакларининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш ва улардан амигдалинга бой мой олиш;

мева данаклари мойлари асосида намлантирувчи кремнинг ёғли фазасини тайёрлаш ва мойларни кремнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

ундирилган буғдой массасидан экстракт олиш ва унинг асосида биологик фаол моддалар билан бойитилган намлантирувчи кремнинг рецептини ишлаб чиқиш ҳамда кремнинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш;

мева данаклари мойлари ва ундирилган буғдой экстракти қўшиб намлантирувчи крем тайёрлаш жараёнининг оптимал шарт-шароитларини аниқлаш;

мева данаклари мойлари ва ундирилган буғдой экстрактининг намлантирувчи кремнинг сақлаш муддати ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

мева данакларидан мой олишнинг такомиллаштирилган технологиясида ишлаб чиқилган амигдалинли мойлардан крем ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектлари** сифатида ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом меваларининг данаклари ва уларнинг мойлари, ундирилган буғдой, буғдой экстракти, эмульгаторлар, мой олиш ва крем тайёрлаш қурилмалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мева данаклари мойлари ва ундирилган буғдой экстракти қўшилган намлантирувчи крем олишнинг технологик жараёнлари ҳамда уларнинг кечиш қонуниятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида хомашё ва тайёр маҳсулот хоссаларини аниқлашнинг умумқабул қилинган ва махсус органолептик, физик-кимёвий, микробиологик ва биокимёвий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом данакларидан амигдалинли мой олиш технологияси ишлаб чиқилган ва тўйинмаган ёғ кислоталарга бойлиги исботланган;

шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом мойларининг 1:1:1 нисбатдаги аралашмалари асосида амигдалин миқдори 7,0-7,5 мг/г бўлган намлантирувчи крем рецепти ишлаб чиқилган ва тери касалликларига профилактик таъсири асосланган;

ундирилган буғдой экстракти асосида намлантирувчи крем рецепти ишлаб чиқилган ва бунда экстрактнинг миқдори 50% бўлганда экстрактни кремнинг физик-кимёвий хусусиятларига ижобий таъсир этиши аниқланган;

амигдалинли намлантирувчи крем ва буғдой экстракти билан бойитилган намлантирувчи кремлар тайёрлаш жараёнларининг оптимал шарт-шароитлари асосланган;

шафтоли ва ўрик мойлари асосидаги биологик фаол моддалар ҳамда буғдой экстракти билан бойитилган намлантирувчи кремлар рецептлари яратилган ва ишлаб чиқиш технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом мойлари асосида амигдалинга бой юқори сифатли намлантирувчи крем рецепти ишлаб чиқилган;

ундирилган буғдой экстракти асосида профилактик мақсадларга мўлжалланган намлантирувчи крем рецепти олишнинг мақбул параметрлари аниқланган;

шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом данакларидан юқори амигдалинли мой олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқот ишида шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом мойлари ҳамда ундирилган буғдой экстракти кўшиб тайёрланган намлантирувчи кремларнинг физик-кимёвий таҳлили газ ва суюқлик хроматографиялари, спектрометрия ҳамда бошқа физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари кўллаган ҳолда, лаборатория ва тажрибавий-ишлаб чиқариш шароитларида апробациядан ўтказиш натижаларига кўра назарий ва тажриба маълумотларининг мос келиши билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти намлантирувчи крем рецептидаги ёғ фаза ўрнига амигдалинга бой шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом мойлари, сувли фаза ўрнига буғдой экстрактини киритиш орқали таркибидаги биологик фаол моддалар миқдорини оширишга эришилиб, профилактик намлантирувчи кремлар олиш технологияларини такомиллаштирилиши ҳамда органолептик кўрсаткичларнинг яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом данакларидан олинган юқори амигдалинли мойлар кўшиб профилактик мақсадларга мўлжалланган, ундирилган буғдой экстракти асосида биологик фаол моддалар билан бойитилган намлантирувчи кремлар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Биологик фаол моддалар билан бойитилган намлантирувчи кремлар рецептларини ишлаб чиқиш ва турларини кенгайтириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий мева данакларидан амигдалин миқдори кўп бўлган мой олиш технологияси «Ўзғойсаноати» уюшмасининг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиладиган ишланмалари рўйхати»га киритилган («Ўзғойсаноат» уюшмасининг 2023 йил 6 октябрдаги КС/3-460-сон маълумотномаси). Натижада, ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мағизларидан амигдалин миқдори 5,79-11,0 баробар кўп мой ҳамда ёғсизланган шрот ишлаб чиқариш имконини берган;

шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом данакларидан олинган амигдалинли мойларни косметик крем рецептида қўллаш технологияси «Ўзғойсаноати» уюшмасининг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиладиган ишланмалари рўйхати»га киритилган («Ўзғойсаноат» уюшмасининг 2023 йил 6 октябрдаги КС/3-460-сон маълумотномаси). Натижада, мой таркибидаги амигдалин сабабли профилактик хусусияти ошган, органолептик кўрсаткичлари яхшилانган крем ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича 13 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия

қилинган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 2 та хорижий журналларда мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 118 бетдан ташкил топган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Косметик кремлар ишлаб чиқариш технологиясининг бугунги ҳолати ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида косметик кремлар ишлаб чиқариш технологияси ҳақида умумий тушунчалар, кремларнинг турлари, косметик кремларнинг ёғли хом ашё, намлантирувчи кремлар рецептида қўлланиладиган биологик фаол қўшимчалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Адабиётларни таҳлили натижасида диссертациянинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг «**Косметик кремларни тайёрлаш техникаси, тайёр маҳсулот ва хом ашёларни таҳлил қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида хом ашёларнинг таркиби ва физик-кимёвий кўрсаткичлари, косметик крем эмульсиясини тайёрлаш учун лаборатория қурилмасини ишлаш тартиби ва косметик крем эмульсиясини тайёрлашда қўлланиладиган хом ашёларни таҳлил қилиш усуллари ҳамда олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш ва хатоликларни баҳолаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий ёғли хом ашёлардан фойдаланиб, намлантирувчи кремнинг рецептини такомиллаш**» деб номланган учинчи бобида мева данакларининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш ва улардан амигдалинга бой мой олиш, олинган мойлар асосида намлантирувчи кремнинг ёғли фазасини тайёрлаш ва мойларни кремнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш, ундирилган буғдой донидан олинган экстракт асосида намлантирувчи кремнинг рецептини ишлаб чиқиш, экстрактнинг намлантирувчи кремнинг сақлаш муддатига ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

### **1-жадвал**

#### **Мева данаклари мағзидан экстракциялаш усулида олинган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Мой тури	Зичлик, г/мл (15°C)	Нур синдириш кўрсаткичи (20°C)	Кислота сони, мг КОН/г	Намлик ва учув. мод. миқдори, %	Мойнинг чиқиши, %
Ўрик	0,908	1,472	1,9	0,2	38,8
Шафтоли	0,912	1,470	2,1	0,2	38,5
Аччиқ бодом	0,912	1,471	2,1	0,3	46,4

Ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом данакларининг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилиб, улар асосида амигдалинли мой олиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Данакларнинг мағзи ажратилиб экстракция усулида мойлар олинган. Олинган мойлар таҳлил қилинган ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринадики, ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом данаклари мойларининг физик-кимёвий хоссалари бир-бирига жуда яқин. Фақат таркибий жиҳатдан ва ёғ кислота таркиби билан бир - биридан фарқ қилиши мумкин.

Шафтоли, ўрик ва аччиқ бодом данакларидан преслаш усулида мой олиш жараёнлари тадқиқ қилинган. Олинган натижалар 2-жадвалда кўрсатилган.

## 2-жадвал

### Мева данаклари мағзидан преслаш усулида олинган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўрик мойи	Шафтоли мойи	Аччиқ бодом мойи
1	Нур синдириш кўрсаткичи, $n_D=20^\circ\text{C}$	1,472	1,470	1,471
2	Зичлиги, г/мл, $25^\circ\text{C}$	0,908	0,912	0,912
3	Совунланиш сони, мг КОН/г	191	190	192
4	Йод сони, г $J_2$ /100 г	101	100	100
5	Перекис сони, моль актив кислород	2,82	3,0	3,85
6	Кислота сони, мг КОН/г	1,7	1,3	1,1
7	Намлиқ ва учувчан моддалар миқдори, %	0,4	0,5	0,4
8	Мойнинг чиқиши, мағизга нисбатан %	29,6	29,3	27,8

2-жадвалдан кўринадики, преслаш усулида олинган мойларнинг кислота сони экстракция усулида олинган мойларга нисбатан паст. Ўрик мойининг йод сони шафтоли ва аччиқ бодом мойларига нисбатан юқори бўлиб, бу унинг таркибида тўйинган ёғ кислоталар миқдори кўплигини билдиради. Бироқ нур синдириш кўрсаткичини юқорилиги унда тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори кўпроқ бўлиши мумкинлигига ишора қилади. Шу сабабли, олинган мойларнинг ёғ кислота таркиби таҳлил қилинди(3-жадвал).

## 3-жадвал

### Мева данакларидан олинган мойларнинг ёғ кислота таркиби

Кислота номи	Мой тури, %		
	Ўрик	Шафтоли	Аччиқ бодом
Пальмитин	5,56	4,93	6,35
Стеарин	1,94	2,18	2,05
Олеин	63,76	61,46	68,6
Линол	26,15	26,44	20,11
Линолен	1,01	0,10	0,38
Арахин	0,50	0,46	0,19
Бошқа	1,08	4,43	2,32
жами	100	100	100

3-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мойлари таркибида 88,0 % дан ортиқ тўйинмаган ёғ кислоталари мавжуд. Тўйинмаган ёғ кислоталарнинг 20 % дан ортиқ қисми юқори тўйинмаган эссенциал ёғ кислоталари - линол ва линолен кислоталар ташкил этган.

Мева данакларидан мойларни ажратиш олишнинг бир нечта усуллари мавжуд. Ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом данакларидан 3 хил усулда мой


олинди. Пресслаш усулида мой олиш учун данаклар чақилди, қобик мағиздан ажратилди, мағиз 3-4 марта сув билан ювилди ва ундаги қобик қолдиқлари камайтирилди. Сўнг мағиз қуритилди, янчилди ва янчилмага намлик-иссиқлик ишлов берилди, сўнг пресслаб мой ажратилди. Экстракция усулида ҳам юқоридаги жараёнлар такрорланди, фақат пресслаш ўрнига эритувчи билан экстракциялаш усулида мой олинди. Икки усулда ҳам олинган мойда амигдалин миқдори жуда кам бўлди(1-расм). Амигдалинни мой таркибида кўпроқ ушлаб қолиш учун мой олиш жараёни такомиллаштирилди. Мева данаклари мағиздан пресслаш усулида мой ажратилди. Қолган кунжарани спирт-сув аралашмасида экстракциялаш орқали амигдалин ажратиб олинди. Бунда жараён ҳарорати 60 °С, гидромодул 1:10, жараён давомийлиги 4-6 соатни ташкил этди. Олинган спиртли экстрактдан спиртни хайдаб, олинган амигдалинли мой аввал пресслаб олинган мойга қўшилди. Натижада амигдалинга бой бўлган мой ҳосил бўлди. Совуқ пресслаш, эритувчили экстракциялаш ва таклиф этилган усулларда олинган мойлардаги амигдалин миқдорлари 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Мева данакларининг мағзи ва олинган мойлардаги амигдалин миқдори**

1-расмдан кўринадикки, таклиф этилаётган усулда олинган мой таркибидаги амигдалин миқдори анъанавий усулларда олинган мойларга нисбатан кўп. Жумладан, ўрик мойини пресслаш усули билан олинганда амигдалин миқдори 1,14 мг/г ни экстракция усулида олинганда 0,87 мг/г ни ташкил этган. Таклиф этилган усулда мағиз-даги 14,27 мг/г амигдалиннинг 12,31 мг/г яъни 86,26% қисми,


мой таркибига ўтган. Худди шундай шафтоли мағзи таркибидаги амигдалиннинг 9,5% пресслаш усулида, 4,46% экстракция усулида ва 75 % таклиф этилган усулда мой таркибига ўтган. Таркибида энг кўп амигдалин сақлайдиган аччиқ бодом мағзида эса амигдалиннинг 16,6% пресслаш усулида, 6,78% экстракция усулида ва 93,42% таклиф этилган усулда мой таркибига ўтган.



**2-расм. Мева данакларининг мағзи, олинган кунжара ва шротдаги амигдалин миқдори**

миқдори камаяди. Таклиф этилган усул билан ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мағзи қайта ишланганда олинган шрот таркибидаги амигдалин миқдори мос равишда 1,94 мг/г, 1,67 мг/г ва 3,27 мг/г ни ташкил этди.

Ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мағизлари кунжарасини спиртли экстракциялаш усули билан амигдалинни ажратиб олиш жараёнининг оптимал параметрлари аниқланди. Дастлаб эритувчи – этил спирти концентрациясининг амигдалиннинг чиқиш унумига таъсири ўрганилди. Бунинг учун аччиқ бодом мағзини пресслаб олинган кунжара Нааб аппаратида 1:10 нисбатда турли концентрациядаги этил спиртлари билан 60 °С ҳароратда 2 соат давомида экстракцияланди. Олинган натижалар 3-расмда келтирилган.




**3-расм. Кунжарани этил спирт билан экстракциялаш жараёнида эритувчи концентрацияси ва жараён ҳароратининг амигдалиннинг чиқиш миқдорига таъсири**

3-расмдаги маълумотлардан кўринадики, жараён ҳарорати 60 °С дан паст ва 65 °С дан юқори бўлганда ҳамда эритувчи концентрацияси 65% дан кам ва 70% дан юқори бўлганда амигдалиннинг чиқиш миқдори паст бўлди. Амигдалиннинг энг кўп миқдорда ажралиши 60-65 °С ҳароратда ва эритувчи концентрацияси 65-70 % бўлганда кузатилган. Шунинг учун оптимал ҳарорат 60 °С ва эритувчи концентрацияси 70 % этиб белгиланди.

Гидромул ва жараён давомийлигининг амигдалинни чиқиш миқдорига

Мойни олиш усулига қараб кунжара(шрот)даги амигдалин миқдори ҳам турлича булиши мумкин. 2- расмдаги маълумотлардан кўринадики, анаъанавий усулларда мой олинганда ёғсизланган кунжара(шрот)таркибида амигдалиннинг асосий қисми қолиб кетади. Таклиф этилаётган усул билан мой ва амигдалин ажратиб олинганда кунжара(шрот)таркибидаги қолдиқ амигдалин



**4-расм. Кунжарани этил спирт билан экстракциялаш жараёнида гидромул ва жараён давомийлигининг амигдалиннинг чиқиш миқдорига таъсири**

таъсири ўрганилди (4-расм). Бунда жараён ҳарорати 60°C, эритувчи концентрацияси 70%, жараён давомийлиги 30-120 минут, гидромодул 1:1-15 этиб белгиланди. 4-расмдаги маълумотлардан кўринадики, гидромодул 1:10 ва экстракция жараёнининг давомийлиги 60-70 минут бўлганда амигдалиннинг ажралиб чиқиши максимал даражада бўлган.

Тадқиқот натижасида ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мағзини қайта ишлаб, амигдалин миқдори камайтирилган шрот ҳамда амигдалинга бой мойларни олиш мумкинлиги аниқланди. Олинган шротни озиқ-овқат ва озуқа саноатида, мойни эса косметика саноатида қўллаш мумкин. Мева данакларидан олинган амигдалинли мой асосида намлантирувчи крем рецепти шакллантирилган.

Таркибида амигдалин сақловчи крем, гел ва суркамалар каби фармацевтик маҳсулотларни тадқиқ қилинганда амигдалиннинг масса улуши 7,0-7,5 мг/г бўлиши кузатилди. Шунга асосан, таклиф этилаётган намлантирувчи крем таркибидаги амигдалиннинг максимал миқдорини 7,5 мг/г этиб белгиланди. Ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мойларининг аралашмаларидан композициялар тайёрлаб, мойнинг масса улуши 30% бўлган намлантирувчи крем рецепти ишлаб чиқилди. Бунда крем таркибидаги амигдалиннинг миқдорини 7,0-7,5 мг/г бўлишини таъминлаш учун композицияда амигдалин миқдори 21,0-22,5 мг/г бўлишига эътибор берилди. Композициялар таркиби 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

#### Ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мойларининг турли нисбатдаги композицияларида амигдалин миқдори ва перекис сонининг ўзгариши

Мой ва кўрсаткичлар номи	Миқдори						
	K1	K2	K3	K4	K5	K6	K7
Ўрик мойи, г	5	5	10	10	15	15	10
Шафтоли мойи, г	15	10	5	15	10	5	10
Аччиқ бодом мойи, г	10	15	15	5	5	10	10
Амигдалин миқдори, мг/г	19,17	25,63	26,84	13,92	15,14	21,59	21,15
Перекис сони, ммол актив кислород	3,25	2,95	3,36	3,08	3,05	3,19	3,11

4-жадвалдан кўринадики, мойлар композициясида ҳар бир мойнинг энг кам миқдори 5 г ва энг кўп миқдори 15 г ни ташкил этди. Амигдалин миқдори энг кўп K3 композицияда, перекис сони энг паст K2 композицияда кузатилди.

Зайтун мойи кўшилган намлантирувчи крем рецепти асосида амигдалин билан бойитилган янги крем рецептини тузилди. Бунда зайтун мойи ўрнига ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мойларидан тайёрланган композициялар (4-жадвал) қўлланди. Рецептда шунингдек дистилланган сув, эмульгатор, консервант, намловчи ва қуюлтирувчи воситалар кўшилди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Амигдалин билан бойитилган намлантирувчи крем рецептлари

Компонентлар номи	Крем рецептлари, %							
	Контрол	K1	K2	K3	K4	K5	K6	K7
Зайтун мойи	30	0	0	0	0	0	0	0
Ўрик мойи	0	5	5	10	10	15	15	10
Шафтоли мойи	0	15	10	5	15	10	5	10
Аччиқ бодом мойи	0	10	15	15	5	5	10	10

Глицерин стеарат	3	3	3	3	3	3	3	3
Эмульгатор(Оливем)	3	3	3	3	3	3	3	3
Кўк чой CO <sub>2</sub> экстракти	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
Эфир мойи (атир гул)	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Витамин Е	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Витамин А	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Консервант Germaben	1	1	1	1	1	1	1	1
Сув	61,9	61,9	61,9	61,9	61,9	61,9	61,9	61,9

5-жадвалдан кўринадики, рецептлардаги компонентларнинг таркиби ва масса улуши бир хил бўлиб, фақат мойларнинг тури ва таркиби бўйича биридан фарқ қилади.

5-жадвалдаги рецепт бўйича намлантирувчи кремлар тайёрланди. Кремни тайёрлашда аввал аралаштиргичга мойли композиция солинди сўнг унга витаминлар, консервант, эмульгатор ва глицерин стеарат қўшиб, аралаштирган ҳолатда 50 °С гача қиздирилди. Сўнг эфир мойи қўшилди, аралаштирилди ва сув солинди, аралаштириш давом этдирилди. Олинган кремларнинг физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичлари таҳлил қилинди (6-жадвал).


6-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, олинган барча намлантирувчи кремлар физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича белгиланган меъёр талабларига мос келади. Жумладан, кремларнинг рН кўрсаткичлари 5,23-5,91, намлик ва учувчан моддалар масса улуши 61,2-62,9 %, эмульсияларнинг барқарорлиги 97,6-98,9 % ва қовушқоқлиги 11200-12000 сРа оралиғида бўлди.

#### 6-жадвал

#### Амигдалин билан бойитилган кремларнинг физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичлари

Рецепт рақами	рН	Намлик ва учувчан моддалар масса улуши, %	Эмульсия барқарорлиги, %	Қовушқоқлиги, сРа
Контрол	5,68	62,7	97,6	12000
К1	5,52	62,8	98,4	11700
К2	5,23	61,2	98,2	11500
К3	5,48	62,8	98,9	11200
К4	5,72	61,1	98,7	11600
К5	5,91	61,8	98,4	10800
К6	5,37	62,9	97,8	11800
К7	5,52	61,8	98,8	11700

Маълумки, косметика маҳсулотларининг сифати нафақат уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари билан, балки уларнинг органолептик ва терига таъсир этиш хусусиятлари билан ҳам баҳоланади. Физик-кимёвий кўрсаткичлари юқори бўлган кремларнинг органолептик кўрсаткичлари талабга жавоб бермаслиги мумкин. Айрим ҳолларда барча кўрсаткичлар яхши бўлса-да терига суртилиши, сингиши ва таъсири салбий бўлиши мумкин. Шунинг учун лаборатория шароитида тайёрланган кремларнинг органолептик ва терига таъсир этиш хусусиятлари таҳлил қилинди ҳамда 5 баллик тизимда баҳоланди(5-расм).



**5-расм. Амигдалин билан бойитилган кремларнинг органолептик кўрсаткичлари**

Ушбу тадқиқот ишидан олинган хулосалар: намлантирувчи кремдаги зайтун мойини ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мойлари билан алмаштирилганда, кремнинг органолептик ва сифат кўрсаткичлари янада яхшиланиши кузатилган, ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мойларини 1:1:1 нисбатлардаги аралашмаларидан тайёрланган композицияни крем рецептига киритилганда олинган крем таркибида амигдалиннинг миқдори 7,0-7,5 мг/г бўлиши аниқланган.

Ундирилган буғдой таркиби минерал, витамин ва озиқа моддаларига бой эканлиги ўрганилган. Бироқ, ундирилган дондан экстракт ажратиб олинганда фойдали моддаларнинг барчаси экстракт таркибига ўтмаслиги мумкин. Бу экстрактнинг олиниш услубига, фойдали моддаларнинг эрувчанлик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Кейинги тажрибаларда ундирилган буғдойдан сиқиш ва сув ёрдамида экстракциялаш усуллари билан экстракт олинди ҳамда унинг таркиби таҳлил қилинди. Олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

**7-жадвал**

**Ундирилган буғдой экстракти (УБЭ)нинг таркиби**

Оқсил, г/100 г	5,5
Липид, г/100 г	3,8
Сувда эрувчан моддалар, %	13,4
Жумладан, сувда эрувчан углеводлар, %	11,5
Органик кислота, %	0,9
Минерал моддалар, %	0,5
Клетчатка, %	2,1
Пектинли моддалар, %	0,3
Намлик, %	73,5

7-жадвалдан кўринадикки, ундирилган буғдой таркибидаги минерал моддалар, витаминлар ва озиқа моддаларнинг кўп қисми экстракт таркибига ўтган. Бу моддаларнинг сувда эрувчанлигининг юқорилиги билан изоҳланади.

Кремнинг шифобахшлик хусусиятларини ошириш мақсадида ундирилган буғдой экстракти(УБЭ) асосида намлантирувчи крем рецепти шакллантирилди. Назорат рецепти учун зайтун мойли крем олинди ва таклиф этилаётган крем


рецептида зайтун мойи ўрнига шафтоли ва ўрик мойлари ҳамда сувнинг ўрнига УБЭ қўшилди. Тайёрланган рецептлар таркиби 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

**Ундирилган бугдой экстракти қўшилган намлантирувчи крем рецептлари**

Компонентлар номи	Миқдори,%		
	Назорат		Таклиф этилаётган
	НК-1	НК-2	
Зайтун мойи	30	0	0
Ўрик мойи	0	15	15
Шафтоли мойи	0	15	15
Глицерин стеарат	3	3	3
Эмулгатор(Оливеи)	4	4	4
Кўк чой CO <sub>2</sub> экстракти	0,5	0,5	0,5
Гуруч оксиди экстракти	1	1	0
Эфир мойи	0,2	0,2	0,2
Витамин В	0,2	0,2	0
Витамин С	0,2	0,2	0
Консервант	1	1	1
Сув	59,9	59,9	0-61,3
Ундирилган бугдой экстракти	0	0	10-51,3


Тузилган рецептлар асосида кремлар тайёрланди ва уларнинг органолептик ҳамда физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлил қилинди(6-расм).



**6-расм. УБЭ миқдорининг намлантирувчи кремнинг хусусиятларига таъсири**

6-расмдаги маълумотлардан кўринадикки, олинган кремлар ранги, ҳиди, суркалувчанлиги ва сўрилиши бир-биридан бироз фарқ қилди. Зайтун мойли крем билан шафтоли ва ўрик мойлари қўшилган кремларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари деярли бир хил бўлсада, уларнинг терига суртилиши ва сўрилиши бир-биридан фарқ қилди, яъни шафтоли ва ўрик мойлари қўшилган кремда яхши натижалар кузатилди.

Крем таркибида УБЭ масса улуши ортиб борган сари кремнинг суркалувчанлиги ортиб боради, ранги, ҳиди ва терига сўрилиши эса пасайиб боради. Барча кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижалар УБЭ нинг масса улуши 50-60% бўлганда олинган. Буни 7-расмдаги УБЭ миқдорининг намлантирувчи крем эмульсиясининг барқарорлигига таъсиридан ҳам кўриш мумкин.



**7-расм. УБЭ масса улушининг кремдаги сув ва қуруқ моддаларнинг масса улушига ҳамда крем эмульсиясининг барқарорлигига таъсири**

Крем рецептида УБЭ масса улуши 60% дан ортганда эмульсия барқарорлигининг пасайиб кетиши крем таркибида сувнинг камайиб кетганлиги билан изоҳланади. Буни 7-расмдаги маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, УБЭ кўшиб крем тайёрлашда экстрактнинг оптимал масса улуши 50-60% оралиғида бўлиб, ундан юқори улушларда крем эмульсиясининг барқарорлиги пасайиб кетади. Бу эса ўз навбатида кремни фазаларга ажралиб қолишига олиб келади.

Кейинги тажрибаларда тайёрланган кремларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилган.

**9-жадвал**

**УБЭ билан бойитилган кремларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Рецептдаги ундирилган бугдой экстрактининг масса улуши	pH	Намлик ва учувчан моддалар масса улуши, %	Қовушқоқлиги, сРа
Контрол	5,71	59,7	11000
10	5,57	59,1	11500
20	5,55	57,2	12200
30	5,52	51,7	13000
40	5,48	50,1	13700
50	5,43	46,8	14800
60	5,35	43,9	15800
61,3	5,34	43,5	16400

9-жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, крем таркибида УБЭ нинг масса улуши ортиб борган сари pH сони ва намлик ва учувчан моддалар масса улуши пасайиб, қовушқоқлик ортиб боради. pH сонининг пасайиши экстракт таркибида органик кислоталар мавжудлиги билан изоҳланади. Қовушқоқликнинг ортиб бориши қуруқ моддаларнинг ортиши ва экстракт

таркибида пектин ҳамда клетчатка мавжудлиги билан изоҳланади.

Олинган таҳлил натижаларидан кўринадикки, крем таркибига киритилаётган УБЭ нинг масса улуши ортиб борган сари унинг сифати яхшиланиб боради. Бироқ 7-жадвалда келтирилган УБЭ нинг таркибига эътибор берилса, унинг микроорганизмлар ривожланиши учун жуда қулай муҳит эканлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида кремнинг микробиологик кўрсаткичларига ҳам таъсир этади. Шу сабабли УБЭ нинг кремнинг микробиологик кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинди. Олинган натижалар 10-жадвалда келтирилган.


### 10-жадвал

#### Сақлаш жараёнида назорат ва УБЭ қўшилган намлантирувчи кремларнинг микробиологик кўрсаткичларини ўзгариши

Микробиологик кўрсаткичлар	Меъёр*	Назорат	УБЭ нинг масса улуши,%						
			10	20	30	40	50	60	61,3
Мезофил аэроб микроорганизм-лар миқдори, КХҚБ/г кўп эмас	$1 \cdot 10^3$	10	10	10	50	50	50	100	100
<i>Candida albicans</i>	0,1	Аниқланмади							
<i>Staphylococcus aureus</i>	0,1	Аниқланмади							
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	0,1	Аниқланмади							
<i>Escherichia coli</i> Ичак таёқчалари гуруҳига кирувчи бактериялар (колиформалар), г	0,1	аниқланмади							
Патоген микроорганизм (салмонелла), г	25	Аниқланмади							
Ачитқилар, КХҚБ/г кўп эмас	$5 \cdot 10^2$	200	320	400	480	520	650	720	
Замбуруғлар, КХҚБ/г кўп эмас	50	10	10	30	40	60	80	100	

Келтирилган маълумотлардан (10-жадвал) кўринадикки, ичак таёқчалари гуруҳига кирувчи бактериялар (колиформалар), патоген микроорганизмлар (салмонеллалар) каби микроорганизмлар ҳамда замбуруғлар сақлаш даврида барча кремларда умуман кузатилмади. Шунингдек, кремларда кузатилиши мумкин бўлган *Candida albicans*, *Staphylococcus aureus* ва *Pseudomonas aeruginosa* каби микроорганизмлар аниқланмади. Замбуруғлар ва ачитқилар миқдори экстрактнинг масса улуши юқори бўлган кремларда парфюмерия-косметика маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги ТРТС 009/2011 техник регламентда белгиланган миқдордан ошганлиги аниқланди.

УБЭ мева ва сабзотлардан олинган экстракт каби углеводларга бой бўлганлиги учун консервант сифатида сорбин кислотасини қўллаш мумкин. Адабиётлардан ўрганилганда сорбин кислотаси косметика маҳсулотларида хавфсиз консервант сифатида ҳам қўлланилиши аниқланди. Таркибида УБЭ нинг масса улуши 50% дан юқори бўлган кремларнинг микробиологик барқарорлигини ошириш учун крем рецептига 0,05-0,2% миқдорда сорбин кислотаси киритилди. Бунда сорбин кислотаси пастеризацияланган УБЭга аралаштирилган ҳолда крем таркибига қўшилди.




**8-расм. УБЭ қўшилган намлантирувчи кремнинг микробиологик кўрсаткичларига консервант мікдорининг таъсири**

Тайёрланган кремлар 3 ой давомида сақланди ҳамда ачитқи ва замбуруғларнинг мікдори таҳлил қилинди. Олинган натижалар 8-расмда келтирилган. Расмдан кўриш мумкинки, консервант мікдори ортганда кремдаги ачитқи ва замбуруғлар мікдори камайган. Консервант мікдори 0,05% бўлганда оптимал натижалар олинган. Айниқса пастеризация қилинган УБЭ қўшилган кремларда яхши натижалар олинган. УБЭ қўшилган намлантирувчи кремнинг микробиологик кўрсаткичларини тадқиқ қилиб, қуйидаги хулосалар

олинди: пастеризация-ланмаган УБЭ намлантирувчи кремнинг микробиологик хусусиятларига салбий таъсир этади; УБЭ намлантирувчи крем таркибига қўшилганда зарарли бактериялар пайдо бўлмайди, аммо ачитқи ва замбуруғларнинг фаоллиги ошади; консервант мікдорининг ортиши УБЭ қўшилган намлантирувчи кремнинг микробиологик хусусиятларига ижобий таъсир этади; УБЭ намлантирувчи крем таркибига пастеризация қилинган ҳолда қўшилганда ачитқи ва замбуруғларнинг фаоллиги сусаяди.

**«Тадқиқот натижаларини саноатга жорий этилганлик даражаси ва иқтисодий самарадорлиги»** деб номланган тўртинчи бобида Мева данакларидан юқори амигдалинли мойларни ишлаб чиқариш технологик схемалари ва шарт-шароитлари келтирилган.

Мева данаклари мойлари ва УБЭ билан бойитилган намлантирувчи кремларни ишлаб чиқариш технологик схемаси ва шарт-шароитлари, ишлаб чиқилган технологиянинг саноат-синов натижалари ва эришиладиган иқтисодий



**9-расм. Мева данакларидан амигдалинли мой олиш технологиясининг принципал схемаси**

Олинган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва ўзаро таққосланди(11-жадвал).

**11-жадвал**

**Мева данакларидан таклиф этилган пресслаш-экстракциялаш усулида олинган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Мой олиш усули	Мой тури	Кўрсаткичлар номи			
		Ранги, мг J <sub>2</sub>	Кислота сони, мг КОН/г	Мой чиқиши, %	Амигдалин миқдори, мг/г
совуқ пресслаш	ўрик	20	1,5	29,1	1,11
	шафтоли	20	1,4	29,0	0,61
	бодом	22	1,6	37,5	8,05
бензинли экстракция	ўрик	21	1,7	38,8	0,83
	шафтоли	22	1,7	38,5	0,27
	бодом	24	1,9	46,4	3,12
пресслаш-спиртли экстракция	ўрик	20	1,6	32,6	12,24
	шафтоли	21	1,6	32,3	5,01
	бодом	22	1,7	31,8	46,61

11-жадвалдан кўринадикки, турли усулларда олинган мойларнинг ранги ва кислота сони деярли бир хил бўлди. Фақат мойларнинг чиқиш унумлари ва таркибидаги амигдалин миқдори турлича бўлди. Пресслаш усулида мойнинг чиқиши энг кам бўлса, бензин билан экстракцияланганда юқори бўлган. Бироқ пресслаб олинган кунжарани спирт билан экстракцияланганда мойнинг чиқиши жиддий ошмаган. Аксинча, бунда мойдаги амигдалин миқдорлари ортган.

Саноат синовларида олинган мойлар асосида тузилган рецепт билан намлантирувчи крем ишлаб чиқариш технологияси «ALVIERO» МЧЖ корхонасида саноат синовларидан ўтказилди. Тажрибаларда юқори

амигдалинли мойлар қўлланилди, назорат партиясида зайтун мойидан фойдаланилди. Олинган кремларнинг физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Олинган натижалар 12-жадвалда келтирилган.

## 12-жадвал

### Саноат синов тажрибаларида ишлаб чиқарилган намлантирувчи кремларнинг қиёсий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Кремлар	
	Синов	Таклиф
Мой миқдори, %	30	30
Намлик ва учувчан моддаларнинг масса улуши, %	62,0	62,0
pH	5,7	5,4
Эмульсия чидамлилиги, парчаланмаган эмульсия % кам эмас	97	98

12-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинган барча кремлар сифат кўрсаткичлари бўйича ГОСТ 31460 талабларига мос келади. Фақат таклиф этилаётган рецепт асосида олинган кремнинг органолептик кўрсаткичлари (ҳиди, ташқи кўриниши, консистенцияси, ранги) нисбатан яхши эканлиги кузатилди.

Консерва саноатининг чиқиндиси бўлган мева данакларини қайта ишлаб олинган амигдалинли мойлар асосида шакллантирилган намлантирувчи крем рецептини ишлаб чиқаришга жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик 16,76 млн/т ни ташкил этди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом данакларидан юқори амигдалинли мой олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда технологик жараёнларнинг оптимал шарт-шароитлари тавсия этилган.

2. Ўрик, шафтоли ва аччиқ бодом мойларининг 1:1:1 нисбатлардаги аралашмаларида амигдалиннинг масса улуши 21-22 мг/г бўлиши аниқланган. Бу ёғдорлиги 30 % бўлган намлантирувчи крем тарбида амигдалин миқдорининг 7,0-7,5 мг/г оралиғида бўлишини таъминлаши асосланган.

3. Олинган мойлар асосида амигдалинга бой бўлган намлантирувчи кремнинг рецепти ишлаб чиқилган, мойларнинг намлантирувчи кремнинг физик-кимёвий хусусиятларини ошириши аниқланган.

4. Ўрик, шафтоли мойлари ва ундирилган буғдой экстракти асосида биологик фаол моддалар билан бойитилган намлантирувчи кремнинг рецепти ишлаб чиқилган. Крем рецептига 50 % гача ундирилган буғдой экстракти киритилса олинадиган крем эмульсиясининг барқарорлиги талаб даражасида аниқланган.

5. Амигдалинга бойитилган крем ва ундирилган буғдой экстракти қўшилган крем тайёрлаш жараёнларининг оптимал шарт-шароитларни аниқланган;

6. Мева данаклари мойлари ҳамда ундирилган буғдой экстракти қўшиб тайёрланган намлантирувчи кремларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган ва 1 т намлантирувчи кремларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида 16,76 млн/т иқтисодий самарадорликка эришилиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

---

**ХАКИМОВА ЗУЛФИЯХОН АЗИЗОВНА**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕЦЕПТУРЫ УВЛАЖНЯЮЩЕГО КРЕМА  
С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МЕСТНОГО МАСЛИЧНОГО СЫРЬЯ**

**02.00.17 – Технологии и биотехнологии обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.1.PhD/T2622.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного Совета (ik-kituo.npu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Рузibaев Акбарали Турсунбаевич  
Кандидат технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Серкаев Камар Пардаевич  
доктор технических наук, доцент

Гулнора Урибаевна Тиллаева  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** Ташкентский Государственный Технический Университет  
имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «17» 02 2024 г. в «11<sup>00</sup>» часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № 677). (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «2» 02 2024 г.  
(Протокол рассылки № 265 от «2» 02 2024 г.).



**С.М.Туробжонов**  
Председатель Научного Совета  
по присуждению учёной степени  
доктора наук, д.т.н., профессор, академик

**Х.И.Кадиров**  
Учёный секретарь Научного Совета по  
присуждению учёной степени доктора наук,  
д.т.н., профессор

**К.П.Серкаев**  
Председатель Научного семинара при Научном  
Совете по присуждению учёной степени доктора  
наук, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире проводятся масштабные исследовательские работы с целью обогащения рецептуры парфюмерно-косметической продукции натуральным сырьем и повышения ее фармакологических свойств. Косметические средства должны не только служить для макияжа, но и выполнять лечебные функции. Сегодня из-за отсутствия натурального сырья косметическая продукция имеет сниженные фармакологические и профилактические свойства. Поэтому производство парфюмерно-косметической продукции с целебными свойствами на основе недорогого природного сырья является одним из актуальных вопросов.

В мире проводятся глубокие исследования, направленные на производство качественной, эффективной, целебной парфюмерно-косметической продукции из натуральных и искусственных добавок. В связи с этим особое внимание уделяется расширению ассортимента парфюмерно-косметической продукции, изготовленной из редких природных компонентов, в том числе созданию рецептур, богатых целебными, природными биологически активными веществами, ускорению и тестированию технологий получения кремов с повышенными увлажняющими свойствами путем добавления различных фруктовых масел и эмульсии.

В нашей республике достигаются определенные научные результаты по разработке новых рецептур косметических кремов на основе нетрадиционного сырья, получению стабильных и устойчивых эмульсий с увеличенными сроками хранения, повышению качества, конкурентоспособности и потребление целебной парфюмерно-косметической продукции. В стратегии развития нового Узбекистана важными задачами являются «углубление структурных преобразований и последовательное развитие мощностей по переработке сельскохозяйственной продукции, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой, качественной продукции, существенное увеличение экспортный потенциал аграрного сектора»<sup>2</sup>. В связи с этим актуально создание рецептур увлажняющих косметических кремов, обогащенных функциональными добавками, расширение их видов и проведение научно-исследовательских работ, направленных на повышение их качества.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, постановленных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан УП №-60 от 28 января 2020 года «О стратегии развития нового Узбекистана», ПП №-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», ПП №-4821 от 9 сентября 2020 года «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией», ПП №-4118 от 16 января 2019 года

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

«О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрению рыночных механизмов управления отраслью», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование проводилось в соответствии V части «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» приоритетного направления развития науки и технологии Республики.

**Степень изученности проблемы.** По расширению сырьевой базы косметической кремовой продукции, созданию лечебных рецептур, увеличению видов, совершенствованию технико-технологической системы производства, Р.П. Патель, Г. Виельхабер, М. Херрманн, Цзинг Лю, В. Рахзе, М.В. Бондакова, С.Н. Бутова, А.Ю. Кривова, Ю.А. Тирсин, О.С. Восканян, Ю.К. Кадыров, С.А. Абдурахимов, И.Б. Исабаев, А.Т. Рузибаев А.Т. Ильясов, А.К. Таджиев, К.П. Серкаев, К.С.Содиков, Е.А.Арипов, Р. Нормухаматов, С.Н.Аминов, У.К.Ахмедов, Т.М.Махмудов, К.Х.Гафуров, Х.Ф. Джураев и другие вели научную и практическую деятельность.

Они получили масло и эмульсии из косточек фруктов, определили коллоидно-химические свойства продуктов, создали рецептуры увлажняющих кремов, содержащих амигдалин, увеличили процент эссенциальных жирных кислот, улучшили их органолептические показатели, продлили стабильность, разработали эффективные способы хранения.

